

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/10.12.2019.I.16.01 РАҶАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОЛИПОВА БАХТИГУЛ ФАРХОДОВНА**

**КОРХОНАЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Озиқ-овқат саноати корхоналари мисолида)**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит  
08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Толипова Бахтигул Фарходовна**

Корхоналарнинг инвестициявий фаолияти самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштириш (Озиқ-овқат саноати корхоналари мисолида).....3

**Толипова Бахтигул Фарходовна**

Совершенствование механизма повышения эффективности инвестиционной деятельности предприятий. (На примере предприятий пищевой промышленности) .....31

**Tolipova Bakhtigul Farkhodovna**

Improving the mechanism for increasing the efficiency of investment activities of enterprises (On the example of food industry enterprises).....57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....61

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/10.12.2019.I.16.01 РАҶАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОЛИПОВА БАХТИГУЛ ФАРХОДОВНА**

**КОРХОНАЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Озиқ-овқат саноати корхоналари мисолида)**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит  
08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Iqt567 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифаси ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич**  
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Кузиева Наргиза Рамазоновна**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Хашимова Наима Абитовна**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**хузуридаги Давлат бошқаруви академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» август куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: 99 871 239-28-72; e-mail: [tsue@tsue.uz](mailto:tsue@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1064- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: 99 871 239-28-72; e-mail: [tsue@tsue.uz](mailto:tsue@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «З»август куни тарқатилди.

(2021 йил «З»август даги 23-рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Т. Бердияров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

**С.К. Худойкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжнинг жадал равишда ўсиб бориши озиқ-овқат саноати корхоналарида инвестиция фаолиятини кенгайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш борасида янгидан-янги талаблар қўймоқда. Айниқса, COVID-19 пандемияси оқибатида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг глобал оқими жиддий босим остида қолиши мазкур жараённинг аҳамиятини янада оширмоқда. Жумладан, «2020 йилнинг январь ҳолатига кўра мазкур ҳаётий зарур бўлган ресурслар оқими 1,5 триллион АҚШ долларига пасайди»<sup>1</sup>, глобал молиявий инқироз даврининг энг минимум даражасидан ҳам қуи даражага тушиб, ўтган ўн йил мобайнида шаклланган ҳалқаро инвестициялар оқимини издан чиқарди. Ривожланаётган мамлакатлардаги экспорт ва хом ашё товарларига мўлжалланган инвестициялар оқимига жиддий таъсир ўтказган пандемия, унинг катта қисми тўхтаб қолишига сабаб бўлди.

Жаҳонда озиқ-овқат саноатини самарали ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион усусларини ривожлантириш, дунё миқёсида озиқ-овқат саноатида фундаментал ўзгаришлар борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. «Рақамли технологиялар ҳамда «Саноат 4.0»нинг мисли кўрилмаган тарзда ривожланиши соҳада янги имкониятларни очиши билан бир қаторда ишлаб чиқарувчилар учун айрим муаммоларни ҳам вужудга келтирмоқда»<sup>2</sup>. Хусусан, инновацион усуслар билан сунъий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналар билан рақобат, истеъмолчиларнинг индивидуал юқори сифатли маҳсулотларга бўлган талабининг кескин ошиб бориши, глобал озиқ-овқат таъминотини самарали бошқаришга бўлган талабнинг юқорилиги, озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси томонидан бўлаётган босимга жавобан инновацион усуслар билан нархни пасайтириш каби муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Озиқ-овқат саноати корхоналарининг инновацион фаолиятини инвестициялаш, автоматлаштириш негизида ракамли технологияларни такомиллаштириш тизими ва механизмларини ишлаб чиқиш илмий тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати корхоналарининг самарадорлигини ошириш, бунда инвестиция фаолиятини кенгайтириш ҳамда такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, «жаҳон озиқ-овқат бозорида юз беражётган қалтис вазиятларни чуқур англаш ва оқилона баҳолаш самараси ўлароқ, мамлакатда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлар этиштириш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларига хусусий ва хорижий инвестициялар таъсирини таҳлил қилиш, прогнозлаштириш ҳамда таклифлар

<sup>1</sup> Гуттерриш А. Ҳалқаро инвестициялар тўғрисидаги маъруза – 2020. <https://unctad.org/webflyer/world-investment-report-2020>

<sup>2</sup> <https://www.copadata.com/de/branchen/food-beverage/food-beverage-insights/digitalisierung-in-der-nahrungsmittelindustrie/>

ишлиб чиқиши<sup>3</sup> каби вазифалар белгиланган. Мамлакатимизда аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи барқарор таъминланмаганлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлиш ва озиқ-овқат ишлиб чиқариш соҳасида инвестициялар ҳажмини кенгайтиришга бўлган суст эътибор мазкур соҳада инвестициявий самарадорлик механизмини такомиллаштириш зарурлигини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йилнинг 3 апрелдаги ПФ-5978-сон «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2016 йил 5 мартағи ПҚ-2505-сон «2016-2020 йилларда мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хом ашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлишни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлиб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа соҳага оид меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Реал сектор ҳамда унинг алоҳида соҳаларида инвестиция оқими бошқарувининг назарий асослари, қолаверса, саноатга инвестицияни жалб этиш муаммолари хорижий олимлар Шэфер Д., Крушвиц Л., Швейк М., Марковиц Г., Самуэльсон П., Бруно С., Боди З., Кейн А., Алан Ж.<sup>4</sup> томонидан тадқиқ этилиб, хulosалар ишлиб чиқилган. Шунингдек, «Корпоратив молиялар ва капитални баҳолаш» йўналишида фаолият олиб бораётган олим Дамодоран А.<sup>5</sup> исталган кўринишдаги активларни ҳисоблаш усуллари ва воситалари устида тадқиқотлар олиб борган.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4821-сон Қарори. 2020 йил 9 сентябрь. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>4</sup> Dr. Dorothea Schäfer, Univ.-Prof. Dr. Lutz Kruschwitz, Dipl. -Kfm. Mike Schwake. Studienbuch Finanzierung und Investition (2., überarbeitete und erweiterte Auflage). -R. Oldenbourg Verlag München Wein. -1998. -pp. 305. H. Markowitz. Efficient Diversification of Investments. -New York: 1997. -pp 310. Samuelson Paul A. Risk and Uncertainty: A Fallacy of Large Numbers. -Scientia, 1997. -pp. 215. Bruno Solnik. International Investments, 2nd edition. Reading, Mass.: Addison-Wesley, 1998.-pp. 185. Bodie Z., Kane A., Alan J. Markus. INVESTMENTS. USA., 1999. -pp. 937.

<sup>5</sup> Damodaran Aswath. Investment Valuation: Tools and Techniques for Determining the Value of Any Asset. Wiley. ISBN: 0471414883. -pp. 992.

Инвестициялардан самарали фойдаланишни тартибга солиш механизми хамда уларнинг самарадорлигини оширишда тизимли ёндашув усулларидан фойдаланиш бўйича маҳаллий олимлар Каримов Д.М., Абдусаматов Б.К., Исаков М.Ю., Илхомова Ё.С., Шахриёров Б.З., Намозов А.Б., Қодиров Т.У., Хайдаров Дж.И., Махмудова Г.Н., Маджидов Ш.А., Байхонов Б.Т., Гайбназарова З.Т., Абдураупов Р.Р., Мустафакулов Ш.И., Хашимова Н.А.<sup>6</sup> томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Олимлар ўрта ва узок муддатли истиқболда инвестицияларнинг иқтисодий потенциалини баҳолаш, бошқариш стратегиясини яратишга имкон берадиган хамда улар иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий потенциалини шаффоф бошқаришнинг ҳар томонлама мутаносиб моделдан фойдаланиш истиқболларини таҳлил қилишган.

Қолаверса, инвестицияларни ташкил этиш ва уларни молиялаштириш масалалари юзасидан Гозибеков Д.Ф., Каримов Н.Г., Кузиева Н.Р., Карлибаева Р.Х., Маматов Б.С., Хужамкулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш.<sup>7</sup> каби олимлар тадқиқот олиб боришган бўлиб, асосий эътиборни инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қулай шароит яратиш, инвестицияларни молиялаштиришнинг муқобил шакллари бўлган

<sup>6</sup> Каримов Д.М. Организационно-экономический механизм эффективного функционирования иностранных инвестиций в промышленности Республики Узбекистан. Дисс. к.э.н АНРУЗ ИЭ 130 с. Т.- 1993. Абдусаматов Б.К. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда инвестиция жараёнларини такомиллаштиришнинг иқтисодий механизми (Самарқанд вилояти мисолида). Дисс. и.ф.н. ЎзРФА Т 120 б. Т.-2001. Исаков М.Ю. Стратегия и эффективность инвестиционно-строительной деятельности в условиях переходного периода. Дисс. к.э.н. ТГЭУ 142 с. Т.- 2002. Илхомова Ё.С. Машинасозлик корхонларида янги технологияларга инвестициялашнинг иқтисодий самарадорлигини эконометрик моделлаштириш. Дисс. и.ф.н. ТМИ 114 б. Т. – 2002. Шахриёров Б.З. Қишлоқ хўжалигига инвестиция фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари (Бухоро вилояти мисолида). Дисс. и.ф.н. ТМИ 146 б. Т. – 2006. Намозов А.Б. Агросаноат мажмуида инвестиция фаоллиги ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Дисс. и.ф.н. ҚХИЙЧМБИИТИ 127 б. Т. – 2006. Каримов Н.Ф. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмини жорий этиш масалалари. Монография. - Т.: Фан ва технологиялар, 2007. – 240 б.; Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти тизимини самарали инвестициялашнинг иқтисодий механизmlари. Дисс. и.ф.н. ТАЙИ 130 б. Т. – 2008. Хайдаров Дж.И. Совершенствование инвестиционной деятельности в промышленных предприятиях Республики Узбекистан. Дисс. к.э.н ТГТУ 147 с. Т. – 2008. Махмудова Г.Н. Аграр соҳани инвестициялаш самарадорлигини ошириш йўналишлари. Дисс. и.ф.н. ФДУ 119 б. Ф. – 2010. Маджидов Ш.А. Ипакчилик тармоғида инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини ошириш. Дисс. и.ф.н. ТТЕСИ 126 б. Т. – 2010. Байхонов Б.Т. Тўқимачилик саноат корхоналарида инвестициялардан фойдананиш самарадорлигини баҳолаш жараёнларини моделлаштириш. Дисс. и.ф.н. ТДИУ 132 б. Т.- 2010. Гайбназарова З.Т. Инновацион инвестициялаштириш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари. Дисс. и.ф.н. ТДТУ 133 б. Т. – 2012. Абдураупов Р.Р. Совершенствование механизмов управления экономическим потенциалом предприятий с иностранными инвестициями в Узбекистане. Дисс. к.э.н ТГЭУ 236 с. Т.-2016. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион мухит жозибадорлиги. Илмий-амалий қўлланма. Baktriya Press. Тошкент – 2017. Хашимова Н.А. Совершенствование научно-методологических основ развития инвестиционного потенциала в Республики Узбекистан. Дисс. д.э.н ТГТУ 175 с. Т. - 2017

<sup>7</sup> Гозибеков Д.Ф. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2002; Каримов Н.Г. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизmlарини жорий этиш муаммолари: 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2007; Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рабатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2008. Карлибаева Р.Х. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш: Ўқув қўлланма. - Т.:Чўлпон, 2011.-124 б. Маматов Б.С., Хужамкулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. Т.: Иқтисод-Молия, 2014. 608-бет.

лизинг кредитлари ва инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш шаклларига қаратишган.

Озиқ-овқат саноати фаолиятини такомиллаштириш борасида Зиявитдинова Н.М., Умаров И.Ю.<sup>8</sup> каби олимлар тадқиқотлар олиб боришиган. Улар томонидан озиқ-овқат саноати иқтисодий салоҳиятини баҳолаш бўйича услубий ёндашув ишлаб чиқилган ҳамда минтақа озиқ-овқат саноати корхоналарининг молиявий-иктисодий салоҳияти баҳолангандан.

Бирок, юқорида келтирилган ишларда озиқ-овқат саноатининг инвестициявий самарадорлигини ошириш механизмлари доирасида инвестицияларни баҳолаш усуллари тўлиқ ёритиб берилмаган ҳамда эконометрик таҳлил ёрдамида озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмига инвестицияларнинг таъсири таҳлил этилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928323-сон «Минтақалар экспорт салоҳиятини оширишда инвестиция дастурларидан самарали фойдаланиш» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** озиқ-овқат саноати корхоналарининг инвестициявий самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

инвестицион самарадорлик ва уни аниқлашнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш;

озиқ-овқат саноатининг инвестициявий самарадорлигини ошириш механизмларини асослаш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини ривожлантиришда инвестициялардан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш;

мамлакат ҳудудлари кесимида инвестицияларни молиялаштириш манбалари ва уларнинг таҳлилини юритиш;

мамлакат озиқ-овқат саноатига йўналтирилган инвестицияларнинг эконометрик таҳлилини амалга ошириш;

озиқ-овқат саноати корхоналарига инвестицияларни жалб этиш тизимини такомиллаштириш;

озиқ-овқат саноатининг инвестициявий самарадорлигини оширишда рақамли технологияларни жорий этиш орқали автоматлаштириш тизимини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати корхоналарининг инвестицион фаолияти олинган.

<sup>8</sup> Зиявитдинова Н.М. Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини иқтисодий самарадорлигини ошириш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Бухоро озиқ-овқат ЕСТИ 155 б. Б. – 2006. Умаров И.Ю. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш (Андижон вилояти мисолида). и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. АМИИ 149 б. А. - 2009

**Тадқиқотнинг предметини** озиқ-овқат саноати корхоналарининг инвестициявий самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий тадқиқот ишидаги муаммони ўрганиш учун таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлама кузатув, корреляцион ва регрессион таҳлил, илмий абстракциялаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

корхоналар инвестицион лойиҳалари самарадорлигини реал баҳолашда анъанавий параметрик кўрсаткичларига эҳтимолли («Реал опционлар усули» (ROV)) ва сифат («Мувозанатли кўрсаткичлар тизими» (BSC)) кўрсаткичларини киритиш таклиф этилган;

озиқ-овқат саноатини глобал озиқ-овқат таъминоти тармоғига боғлаш асосида озиқ-овқат ҳавфсизлиги таъминлаш ва инвестиция самарадорлигини ошириш таклифи ишлаб чиқилган;

иқтисодиёт тармоқларини узоқ муддатли ривожлантиришнинг самарадорлигини баҳолашнинг интеграл кўрсаткичларига асосланган рейтинг тизимини киритиш орқали такомиллаштирилган;

ички инвестицияларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири самарали эканлиги асосланган ҳамда 2030 йилга қадар сценарийли прогнози ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қўйидагилардан иборат:

халқаро инвестицион самарадорликни ҳисоблаш методикасига асосланиб, корхоналарда инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш усули такомиллаштирилган;

маҳсулотни етиштириш, уларни қайта ишлаш ва етказиб бериш жараёнидаги иштирокчиларнинг ўзаро муносабатини самарали йўлга қўйишида «блокчейн» технологиясидан фойдаланиш механизми ишлаб чиқилган;

озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар ўртасида кучайиб бораётган рақобат шароитида корхоналарнинг автоматлаштириш жараёнига инвестицияларни кенг кўламда жалб этишининг мақсадли эканлиги бўйича амалий тавсиялар асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган методологик ёндошув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан олингани, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар озиқ-овқат саноатининг инвестициявий самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштиришда илмий аппаратни бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқот объектини ўрганиш ва таҳлил этиш натижасида олинган натижаларнинг амалий аҳамияти озиқ-овқат саноатининг инвестициявий самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштиришга доир дастурлар ҳамда стратегик режаларни ишлаб чиқишида ва озиқ-овқат саноатининг инвестициявий самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштиришда юзага келаётган муаммоларни бартараф этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларидан магистратура мутахассисликлари ҳамда бакалавр йўналишлари учун «Инвестицияларни баҳолаш», «Озиқ-овқат ҳавфсизлиги» каби фанлар бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Корхоналарнинг инвестициявий фаолияти самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

корхоналар инвестицион лойиҳалари самарадорлигини реал баҳолашда анъанавий параметrik кўрсаткичларига эҳтимолли («Реал опционлар усули» (ROV)) ва сифат («Мувозанатли кўрсаткичлар тизими» (BSC)) кўрсаткичларини киритиш мазмунидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 04-04/5-6761-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида инвестицион лойиҳа асосида фаолият юритаётган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарнинг инвестициявий самарадорлигини баҳолаш имконияти яратилган;

озиқ-овқат саноатини глобал озиқ-овқат таъминоти тармоғига боғлаш асосида озиқ-овқат ҳавфсизлиги таъминлаш ва инвестиция самарадорлигини ошириш механизми такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 04-04/5-6761-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга кўллаш натижасида озиқ-овқат корхоналари фаолиятининг шаффофлигини оширишга, унда маҳсулотлар йўқотилиши олдини олишга, маҳсулотлар ҳавфсизлигини оширишга, шунингдек, кичик корхоналарнинг йирик корхоналар «ўйин»ларидан ҳимоя қилинишига эришилган;

иқтисодиёт тармоқларини узоқ муддатли ривожлантиришнинг «инвестицион салоҳият» веб-платформа лойиҳаси инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг интеграл кўрсаткичларига асосланган рейтинг тизимини киритиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 04-04/5-6761-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятига инвестицияларни жалб этишда инвесторларнинг

қарор қабул қилиши бўйича схема ишлаб чиқилди ҳамда веб-платформа контенти учун рақамлаштиришнинг аҳамияти асослаб берилган;

ички инвестицияларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири самарали эканлиги асосланган ҳамда 2030 йилга қадар сценарийли прогнози Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 04-04/5-6761-сон маълумотномаси). Мазкур моделни амалиётга қўллаш натижасида озиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ички инвестицияларнинг ўрни аҳамиятли эканлиги исботланди. Тузилган кўп омилли эконометрик модель асосида 2030 йилга қадар кўп сценарийли прогнози ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 га яқин халқаро ва маҳаллий илмий-амалий конференцияларда мухокамадан ўтказилган ҳамда ижобий хуносалар олинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, илмий-оммабоп қўлланманинг битта параграфи, маҳаллий журналларда 2 та, нуфузли хорижий журналларда 3 та мақола, шунингдек, халқаро ва маҳаллий илмий амалий коференцияларда 11 дан ортиқ маъруза тезислари нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хуоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 140 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмida мавзунинг долзарблиги ва ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, обьекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ва апробацияси ҳамда диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инвестицион самарадорлик ва уни аниқлашнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган бобида инвестициялар тушунчаси, моҳияти ва унинг халқаро даражадаги қиёсий талқин этилиб, инвестицион самарадорликни ҳисоблашнинг назарий-услубий жиҳатлари, хорижий тажрибалари ва уларни татбиқ этиш йўллари изоҳлаб берилган, шунингдек, инвестициялар самарадорлигини аниқлашнинг мавжуд услублари таҳлили келтирилган.

Инвестицияларни классификациялаш				
Киритилиш шакли бўйича	Киритилиш тuri бўйича	Соҳа хусусияти бўйича	Молиялашириш манбалари бўйича	Ишлаб чиқариш хусусияти бўйича
- пул кўринишидаги - натура кўринишида	-реал -молиявий	- саноатга - қишлоқ хўжалигига - инфратузилмага - курилишга	- республика ва худудий манбалардан - корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари -хусусий инвестициялар - хорижий инвестициялар	- ташкил этиш -кенгайтириш - қайта куриш - технологик қайта қуроллантириш ва модернизация

## 1-расм. Инвестициялар классификацияси<sup>9</sup>.

Инвестициялар жараёнидаги озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати мураккаб, соҳалараро, тизимли тус беради. Шунинг учун озиқ-овқат саноатига йўналтирилган инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш муаммоси макро ва микроиктисодий назариянинг турли томонларига, иқтисодий-математик усулларга, иқтисодиётдаги илмий-методологик йўналишларга, социология, экология ва бошқа саноат фанларига таъсир этувчи тегишли комплекс ечимни талаб қиласди.



## 2-расм. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини ҳисоблашнинг халқаро усуллари<sup>10</sup>.

Ҳозирги кунда бутун дунёда турли хилдаги лойиҳаларга самарали инвестиция киритиш жуда катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу инвестициянинг самарасини баҳолаш учун кўплаб ёндашувлар ва усуллар яратилган. Улар орасидаги хорижий усуллардан энг кенг тарқалгани 2-расмда келтириб ўтилган.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг бир нечта усулларидан фойдаланиш зарурати, турли усуллардан фойдаланиб олинган натижалар қарама-қарши бўлиши мумкинлиги билан изоҳланади. Турли усулларни қўллаган ҳолда инвестициялар самарадорлигини таҳлил қилиш

<sup>9</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>10</sup> Муаллиф ишланмаси.

натижаларини таққослаб, таҳлилчи маълум бир лойиҳанинг мақбуллиги тўғрисида хулоса чиқаради.


	Дастлабки	инвестицион харажатлар умумий суммаси фаолият кўрсатмай турган даври инвестицион жозигандорлиги даражаси
Бевосита	Хисобланадиган	соф жорий киймат (NPV) ички фойда нормаси (IRR) рентабеллиги (PI) копланиш муддати (PP)
	Инвестицион кийматга эксперт баҳоси	инвестиция кийматининг ликвидлиги инвестицион киймат мухитини баҳолаш
Билвосита	Инвестиция кийматининг обрўси (репутация)	амал қилиш муддати жараён элементларининг сони

### 3-расм. Саноат корхоналарида инвестиция олди жараёнининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими<sup>11</sup>.

Дюпон аналитик модели (ROA va ROE) ёки хусусий капитал рентабеллигининг декомпозицон (бутунни қисмларга ажратиш) таҳлил усули ҳам гарчи бизга саноат корхонаси капиталининг даромадлилигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш имконини берсада, молиявий коэффицентлар усулига асосланган. Методологиянинг ўзига хос хусусияти ишончли баҳолашни қўлга киритиш учун бир йўла уч йўналишда фойдаланиш имкони борлигидадир.

Шу муносабат билан қуйидаги йўналишларни ажратиб қўрсатиши лозим: сотиш рентабеллигини таҳлил қилиш, активлар айланишини таҳлил қилиш ва саноат корхоналари молиявий барқарорлиги манбаларини ўрганиш.

Корхоналарнинг инвестицион лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш усусларини таҳлил қилиш жараёнини тизимлаштирусак, қуйидаги чизма ҳосил бўлади:



### 4-расм. Инвестицион лойиҳа самарадорлигини баҳолашнинг усуслари<sup>12</sup>.

Динамик усуслар режалаштирилган сармоядан олинадиган маблағлар ва депозитларга ва инвестиция тўғрисида қарор қабул қилиш пайтида

<sup>11</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>12</sup> Диссертацияда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган 2-иловага мувофиқ тузилди.

фойдаланиш муддатига асосланган. Олинган маблағлар ва депозитлар муддатига кўра турлича қайд этилади ва асосий кўрсаткичлар – капитал қиймати, ички фоиз ставкаси, амортизация даври ва бошқаларга қисқартирилади.

Диссертациянинг «**Озиқ-овқат саноати корхоналариға йўналтирилган инвестициялар самарадорлиги ва уларнинг ҳозирги ҳолати**» номли иккинчи бобида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда инвестицияларнинг тутган ўрни ва аҳамияти ёритиб берилган ҳамда мамлакатда инвестицияларни молиялаштириш ва уларнинг манбалари қиёсий тахлил этилиб, тизимлаштирилган. Шунингдек, мамлакат озиқ-овқат саноатига йўналтирилган ички ва ташки инвестицияларнинг эконометрик модели ишлаб чиқилиб, модел асосида 2030 йилга қадар прогнози амалга оширилган. Бутун дунё бугунги кунда SARS-CoV-2 (Severe acute respiratory syndrome coronavirus 2 – Нафас йўллари оғир ўтқир синдроми коронавирус 2)<sup>13</sup> (COVID-19 деб ном берилган) вируси сабаб бўлган пандемия туфайли мисли кўрилмаган таҳликага дуч келди<sup>14</sup>. Мазкур вирус сабаб дунёда вужудга келаётган инқироз ва турғунлик нафақат соғлиқни сақлаш, молия, банк ва иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларини балки қишлоқ хўжалигини, хусусан озиқ-овқат соҳасини ҳам кенг қамраб олди. Айниқса, уй хўжаликлари истеъмол харажатларининг деярли учдан икки қисмини озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этиб<sup>15</sup> турган мамлакатларни ташвишга солмоқда.

Шу сабабли, бу каби мамлакатлар озиқ-овқат ва бошқа биринчи даражали истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга қаратилган турли фаолият турларини ҳар томонлама қўллаб-куватлашни янада кучайтириши давр талаби бўлиб қолмоқда<sup>16</sup>.

Ҳудудларда озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатининг ривожланишига тўсиқ бўлувчи асосий омиллар гурухлаб чиқилди:

- заиф (кучсиз) моддий-техника базаси, суст ривожланган инфратузилма – хом ашёни ташиш, сақлаш ва қайта ишлашдаги ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши маҳсулот таннархининг ошишига сабаб бўлади;

- технология даражасининг пастлиги, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги юқори харажатлар – агросаноат ишлаб чиқаришининг барча бўғинларида маҳсулотнинг даромадлилиги ва рақобатбардошлигининг сусайишига олиб келади;

<sup>13</sup>Peter Forster, Lucy Forster, Colin Renfrew, and Michael Forster. Phylogenetic network analysis of SARS-CoV-2 genomes/ Contributed by Colin Renfrew, March 30, 2020 <https://doi.org/10.1073/pnas.2004999117>

<sup>14</sup> Chih-Cheng Lai, Tzu-Ping Shih, Wen-Chien Ko, Hung-Jen Tang, Po-Ren Hsueh. Severe acute respiratory syndrome coronavirus 2 (SARS-CoV-2) and coronavirus disease-2019 (COVID-19): The epidemic and the challenges International Journal of Antimicrobial Agents Volume 55, Issue 3, March 2020, 105924 <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0924857920300674?via%3Dihub>

<sup>15</sup> Ш. Мустафакулов “Камбағаллик – айб эмас бироқ...” Халқ сўзи 2020 йил 25 март №62 (7564) 4-бет <http://xs.uz/uzkr/site/newspaper?page=2>

<sup>16</sup> А. Бекмуродов “Яна бир глобал иқтисодий инқироз эшик қоқмоқда” Халқ сўзи 2020 йил 10 апрель №74 (7576) 4-бет <http://xs.uz/uzkr/site/newspaper?page=1>

– корхонани ривожлантириш учун хусусий молиявий маблағларнинг этишмаслиги – бу ердаги асосий муаммо банк кредитларини олишдаги муаммолар: юқори фоиз ставкалари, кредит ресурслари учун корхонада мулкий гаровнинг мавжуд эмаслиги. Бу каби муаммоларни ҳал этишнинг самарали усулларидан бири бу озиқ-овқат саноатига инвестициялар, субсидиялар ва бошқа мақсадли молиялаштириш манбаларини жалб этиш ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар йиғиндисидир.

Инсоният истеъмоли учун ишлаб чиқарган озиқ-овқатининг учдан бир қисмини исроф қиласиди

Ҳажми: йилига **1,3** миллиард тонна

Қиймати:  
**990** миллиард АҚШ доллари қийматида

Натижада:  
**821** миллион одам тўйиб овқатланмайди

## 5-расм. Озиқ-овқат маҳсулотларининг исроф бўлиши<sup>17</sup>.

Озиқ-овқат этиштириш соҳасида олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда мамлакатимизда инфратузилманинг заифлиги, транспорт, логистика соҳасининг яхши ривожланмагани, қолаверса, корхоналар асосий воситаларининг эскирганлиги ва этишмаслиги каби камчиликлар озиқ-овқат маҳсулотларининг исроф бўлишига олиб келмоқда. Ривожланаётган ёки суст ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат етказиб беришнинг ilk босиқичлари: ҳосилни йиғиш, уни сақлаш ва ишлаб чиқаришга етказиб бериш жараёнида озиқ-овқат маҳсулотларининг 40 % и яроқсиз ҳолга келиши кузатилади<sup>18</sup>.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг исроф бўлиши индекси *FLI* (1) анъанавий ўзгармас базавий формулага эга бўлиб, ҳозирги давр (*t*)да мамлакат (*i*)нинг фоиздаги йўқотишлирини базис даврда (*t<sub>0</sub>*)ги истеъмол саватчасига тушадиган фоиз йўқотиши билан таққослаш орқали ишлаб чиқариш харажатлари ва базис давридаги импорт (*q<sub>ijt<sub>0</sub></sub>* \* p<sub>j<sub>t<sub>0</sub></sub>)дан фойдаланиб топилади. Мазкур индекс қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ёки озиқ-овқат тизимида, шу жумладан экинлар, чорвачилик ва балиқчиликда муҳим ҳисобланган товарларнинг таркибий қисмидир. У ишлаб чиқаришдаги ўзгарувчанлик таъсирини бартараф этиш учун йўқотишлирнинг умумий таклифнинг фоизига қараб ҳаракат қиласиди<sup>19</sup>.</sub>

$$FLI = \frac{\sum_j L_{ijt} (q_{ijt_0} * p_{j t_0})}{\sum_j L_{ijt} (q_{ij_0} * p_{j t_0})} * 100 \quad (1)$$


Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, озиқ-овқат саноатида блокчейн технологиясининг қўлланишини юқоридаги муаммоларнинг ечими сифатида кўриш мумкин. Ҳозирда бу технологиянинг

<sup>17</sup> БМТ нинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. [https://www.macsg20.org/fileadmin/macs/Activities/S1\\_1\\_O\\_Connor\\_SDG\\_12.3\\_and\\_the\\_Food\\_Waste\\_Index.pdf](https://www.macsg20.org/fileadmin/macs/Activities/S1_1_O_Connor_SDG_12.3_and_the_Food_Waste_Index.pdf)

<sup>18</sup> Robert L.Zimdahl. Chapter 1 – Introduction Fundamentals of Weed Science (Fifth Edition) 2018, Pages 1-16 <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/B978012811437000019>


<sup>19</sup> Carola Fabi and Alicia English. FAO STATISTICAL DIVISION. SDG 12.3.1: Global Food Loss Index. P 19. <http://www.fao.org/3/CA2640EN/ca2640en.pdf>

истиқболли эканлигини биринчилардан бўлиб кўра олган жаҳоннинг Nestle ва Unilever компаниялари унинг камчилик ва афзаликларини синчковлик билан ўрганиб келишмоқда. Унинг маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун қуидаги афзаликлари мавжуд:



#### 6-расм. Блокчейн технологиясининг афзаликлари<sup>20</sup>.

Озиқ-овқат етиштириш жараёнларида кузатув ва шаффоффикнинг етишмаслиги боис соҳа фаолияти кундан кунга мураккаблашиб бормоқда. Бундай шароитда айнан блокчейн технологиясида кузатув ва шаффоффикни таъминлаб бериш имконияти мавжуд.



#### 7-расм. Глобал озиқ-овқат таъминотида блокчейн<sup>21</sup>.

Маҳсулотни етиштириш, уларни қайта ишлаш ва етказиб бериш жараёнидаги иштирокчиларнинг алоқаси сустлиги ёки умуман йўқлиги харидорда товар ҳақидаги шубҳани ўйғотади. Блокчейн технологиясидан фойдаланиб, уларнинг ҳар бири ўртасидаги алоқани йўлга қўйиш жуда қўп харажат ва исрофгарчиларнинг олдини олади. Қолаверса, кичик ва ўрта бизнес вакилларини йирик компаниялар «ўйинлари»дан ҳимоя қиласди.

Ҳар қандай корхонада инвестицияларни амалга ошириш бўйича қарорларни амалга оширишда уларни молиялаштириш манбаларини танлаш муаммоси бирламчи аҳамиятга эга. Ўтган даврга назар соладиган бўлсак, давлатнинг капитал қўйилмалари ягона молиялаштириш манбаси сифатида гавдаланар эди. Ҳозирги кунга келиб уларнинг бир қанча турлари бўлиб, улар қуидагида гурухлаштириб олинди.


<sup>20</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>21</sup> Муаллиф ишланмаси.



**8-расм. Инвестициялаштиришнинг асосий манбалари<sup>22</sup>.**

Қўйида молиялаштириш манбалари бўйича асосий воситаларга инвестициялар таркибига тегишли йифилган маълумотлар таҳлилига эътиборни қаратсак.




**9-расм. Молиялаштириш манбалари бўйича асосий воситаларга инвестициялар таркиби (жами фоизда)<sup>23</sup>.**


Юқоридаги диаграмма маълумотларини янада батафсил таҳлил қилиш учун худудлар миқёсидаги таҳлилга эътиборни қаратамиз. Яъни бу ерда ҳар бир маъмурий худуд республиканинг йиллар давомидаги умумий кўрсаткичларига қанчалик даражада таъсир этаётганлигини кузатиш мумкин.

<sup>22</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди (23.07.2020 <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statistyka-uz/6559-investitsiyalar>).



**10-расм. Худудларда корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари бўйича асосий воситаларга инвестициялар таркиби (жами фоизда)<sup>24</sup>.**




**11-расм. Худудларда жалб қилинган маблағлар бўйича асосий воситаларга инвестициялар таркиби (жами фоизда)<sup>25</sup>.**

Қабул қилинган маблағлар бўйича худудлар миқёсида ҳамда йиллар кесимида тайёрланган график маълумотларига қараб, бу ерда ҳам Бухоро, Навоий, Жиззах вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида кескин ўсиш суръатлари рўй берганини кўришимиз мумкин. Бу эса, республика бўйича қайси ҳудуд ўзининг сезиларли таъсирини кўрсата олганлигини намоён этади. Шу сабабли номлари келтирилган ҳудудларни алоҳида таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

<sup>24</sup> 9-расм асосида STATA дастурида ишлаб чиқилган.

<sup>25</sup> 9-расм асосида STATA дастурида ишлаб чиқилган.



**12-расм. Тошкент шаҳри, Қарақалпогистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятларида молиялаштириш манбалари бўйича асосий воситаларга инвестициялар таркиби (жами фоизда)<sup>26</sup>.**

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди (23.07.2020 <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystika-uz/6559-investitsiyalar>).

Амалдаги ресурсларни, шунингдек, инвестициялар, энг аввало, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг реал имкониятларини инобатга олган ҳолда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни узоқ муддатли ривожлантириш концепцияси мавжуд эмас. Бунинг оқибатида иқтисодий жиҳатдан истиқболли бўлмаган лойиҳаларни ташаббус қилиш, молиявий маблағларни самарасиз сарфлаш ҳолатлари мавжуд бўлиб, бу охир-оқибатда, умуман, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини пасайтиришга олиб келади<sup>27</sup>.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунга асосий омил сифатида аҳоли сонининг ошиб бориши, мамлакатдаги озиқ-овқат маҳсулотлари импорт-экспортидаги ўзгаришларни келтириб ўтиш мумкин.



**13-расм. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (млрд. сўмда)<sup>28</sup>.**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан фаолият кўрсатувчи корхоналар сони ва уларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда.



**14-расм. Худудлар кесимида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан фаолият кўрсатаётган корхоналар сони<sup>29</sup>.**

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 декабрь Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги ПҚ-3437-сон Қарори.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Мазкур параграфда кўрсаткичларни таҳлил қилишда Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланилган.

Алоҳида ҳудуд ёки бутун мамлакатни моделлаштириш учун (яъни макроиктисодий ва микроиктисодий даражадаги масалаларда)

$$y = a_0 x_1^{a_1} x_2^{a_2} \quad (1)$$

кўринишдаги ишлаб чиқариш функцияси кўп ишлатилади, бу ерда  $a_0, a_1, a_2$  — ишлаб чиқариш функцияси параметрлари. Булар мусбат ўзгармас сонлардир (кўпинча  $a_1$  ва  $a_2$  лар  $a_1 + a_2 = 1$  шартни қаноатлантиради).

Мамлакат ҳудудида ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмига ички ва ташқи инвестицияларнинг таъсирини эмпирик таҳлил қилиш учун қуидаги ўзгарувчилардан фойдаланилди: озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми, ички инвестициялар ҳажми ва ташқи инвестициялар ҳажми. Эконометрик модел адекватлигини ошириш учун, ўзгарувчилар логарифмланган шаклда олинди ҳамда тасвирий статистика кўрсаткичлари ҳам логарифмланган микдорлар учун келтирилди.

## 1-жадвал

### Регрессия тенгламаси учун ишлаб чиқилган моделнинг тасвирий статистикаси

Ўзгарувчи-лар	Ўртacha	Стандарт оғиш	Минимум	Максимум	Стандарт хатолик
$\ln Y$	9,495735	0,545854	8,616405	10,07924	0,181951
$\ln I$	6,396186	0,724590	5,417433	7,857287	0,24153
$\ln XIIlag1$	3,875195	0,644048	2,332144	4,465908	0,214683

